2. Каримов И.А. ¤збекистон XXI аср б´са²асида. Т. 1997 й.
3. Каримов И.А. Исти=лол ва маънавият. Т. 1994 й
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак й´=. Т. 1998 й.
5. Время и преемственность в развитии культуры. Саратов. 1991 г.
6. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М.1999 г.

7. Иконникова С. Диалоги о культуре. Л., 1989 г.
8. Культура Узбекистана: Традиции и современность. Т. 1986 г.
9. Хайруллаев М. Маданий мерос ва фалсафий фикр тарихи. Т. 1985 й.

# ЖА¥ОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

## 4МАВЗУ
## АРХАИК (ИБТИДОИЙ) МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари.
2. С´нгги полеолит даври маданияти.
3. Янги тош асри (неолит) маданияти.
4. Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.

Архаик ёки ибтидоий маданият мавжуд инсоният маданиятнинг ибтидоси ва энг узо= давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий к´ламининг 99 фоизини ташкил =илган µолда замонавий маданиятга бе=иёс таъсирини к´рсатиб келмо=да. ¤ша ва=тда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим к´ринишлари б´лмиш фикрлаш тарзи, феълатвор µозирга =адар й´=олган эмас. Инсоният маётининг бошлан²ич даври кейинги барча ´згаришларга замин ту²диргани сабабли бу даврни ´рганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарµлашга ёрдам беради.

«Мозийга =айтиб иш к´риш хайрликдир» – деган эди А. £одирий. «Дунёда турмо= учун, – деб ёзади М. Беµбудий, – дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаµра миллат бош=аларга поймол б´лур».

Ибтидоий бос=ичдаги маданият ривожининг =иёфасини =айта тиклаш ´та =ийин вазифа. «Шамсий гувоµнома, таржимаи µол, тёфадан маµрум , сукунатдаги ´тмиш, µодисасиз «узо=», (Ф. Бродель) «мудро=», (Э. ЛеруаЛадюри) тарих учун идеал намуна касб этиб, табиийилмий манти=ни яратиш , услублар ми=дори ёки ижтимоийи=тисодий тушунчалар ва дастлабки (ибтидоий жамоа) ижтимоий тузум таълимотини изоµлаш учун м´лжаллангандир»[1].

Олимлар т´плаган маълумотлар 2 хил б´либ:

I. Антропологик ва археологик топилмаларибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёру² оламга чи=арди. Бу маълумотлар ´зига

[1] Культурология М. 1998 г., 141 стр.

хос белгилари билан эмперик (тажриба) таµлилни юзага чи=арди ва ибтидоий бос=ични умум =абул =илган таснифига асос солди:

1. Палеолит=адимги тош асри,

2. Неолит – янги тош асри.

Палеолит бос=ичининг ´зи µам илк (=уйи) ва с´нгги (ю=ори) даврларга б´линади. Шунингдек, полеолит ва неолит бос=ичининг ´ртаси мезолит – ´рта тош асри даврига б´линади.

II. Этнографик маълумотлар замонавий хал=лар ва µозирги ва=тда µам овчилик ва термачилик билан кун к´рувчиларнинг µаёти µа=ида. Бу маълумотлар са=ланиб =олган архаик маданият к´ринишини этник, ижтимоий ва руµий ´хшашликлар б´йича =айта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (Кениянинг Рудольф =´ли соµилидан топилган =адимги тош =уроллари) то эрамизгача 2 минг йилгача (меµнат =уролларини жездан тайёрлай бошлаган давргача) б´лган ва=тни ´з ичига олади. ¤з навбатида палеолит бос=ичидаги энг узо= давр илк полеолит б´либ, бундан 4035 минг йил олдин тугайди. Илк полеолитда антропогонез жараёнининг содир б´лиши, =азиб топилган гоминид =олди=ларининг алоµида турлари яшаган даврларда (зинжантроп, австралопитек, питекантроп, синантроп, неандертал ва бош=алар ,) маданиятнинг алоµида илк намуналари вужудга келди: =´пол тош =уроллари тайёрлаш (кесгич, тош найза, =ир²ич), оловдан фойдаланиш, оддий турар жойларнинг =урилиши, муомала воситаларининг ривожланиши, атрофмуµит µа=ида дастлабки мураккаб тасаввурларнинг пайдо б´лишига сабаб б´лди.

Децентризм фарази инсоният пайдо б´лишини икки ´чо=Африка ва Осиё билан бо²лайди, зеро µозирги ва=тда энг =адимги одам =олди²и µам Африка минта=асидан топилган. Марказий Осиё, хусусан, ¤збекистон худудида =азиб топилган гоминидлар µам илк палеолит даврига оиддир. Археолог У. Исмоилов Селун²ир ²оридан топган «фергантроп» =олди²инининг ёши 700 минг йилга тенг.

Илк палеолитнинг охирги даври к´пинча алоµида даврга ажралиб «´рта» ёки «мустье» деб номланади (200 мингинчи йилдан 40 мингинчи йилгача). Бу =онуний µодиса б´либ, мустье даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ´сиши сезилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо б´лди. Неандерталлар кенг худудларга тар=алиб мураккаб ва турли хил =уроллар тайёрлаган, энг

муµими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган ²орларидан айи=нинг бош суяги топилган, махсус ´рнатилган тош супа оловдан =орайган, унда маълум маросим ´тказилган. Неандерталлар =абри к´пинча Шар=-¢арб й´налиши б´йича жойлашиб, мурда «ёнбош ухлаётган µолатда, тиззалари энгагига =айирилган, ёнига тош =уроллар =´йилган». Бу маросим удуми ´лимдан кейинги µаёт мавжудлиги µа=идаги тасаввурнинг маданиятдаги энг =адимги ва бар=арор пайдо б´лганлигидан далолатдир. Неандертал =абри ¤збекистоннинг Тешиктош ²оридан (Сурхандарё вилоятидан) µам топилган, шунингдек, ´ша даврга оид к´плаб манзилгоµлар очиб ´рганилган (Омон=´тон, Зирабуло=, Обираµмат, К´лбуло=, Учтут ва бош.).

Илк палеолитда маданий муµитнинг мавжудлиги алоµида жойлар билангина чегараланса с´нгги палеолитда эса маданият тизим сифатида шаклланади. С´нгги палеолитнинг бошларида гоминид эволюцияси якунланиб замонавий «а=лли одам» тури пайдо б´лади. С´нгги палеолитда турлитуман тош ва боша =уроллар нотекис тарзда к´пайиши натижасида таркибий =уроллартасма, учлик, шунингдек, т´=имачилик пайдо б´лади. Ниµоят, дастлабки тартибли ижтимоий ташкилотуру² ташкил топади. Бу ин=илобнинг маµсули инсонларнинг асосий антропологик, руµий физиологик, руµий ижтимоий ва маънавий бирлиги б´либ, инсонлар уюшмасининг и=тисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маиший ривожланишидаги тафовутларга =арамасдан тарихда са=ланиб =олди.

Маънавий маданият дастлаб жуда содда б´либ, ´ша давр кишиларининг меµнат фаолияти билан уй²унлашиб кетган эди. Ибтидоий одамларнинг билим даражаси анча чекланган б´лсада, биро= яшаш учун кураш жараёнида атрофмуµитни кузатиб тажриба т´плаганлар. Натижада янги тушунча ва тасаввурлар пайдо б´либ, тафаккур ва нут= ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштирди. ¤злаштирувчи µ´жаликдан ишлаб чи=арувчи µ´жаликка ´тилиши билим ва тажрибанинг т´планиши натижасида юзага келди.

Дастлаб, ибтидоий одамлар ози=-ов=ат =идириб ´зи яшаётган муµитни яхширо= ´рганa бошладилар. Бу эса уларнинг географик билимини оширган. Табиатдаги мавжуд истеъмол =илишга яро=ли ´симлик ва меваларни =идириб топиши ва кузатиши натижасида

ботаника билимлари т´планган. Ёввойи майвонлар овлаш жараёнида майвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими шакллана бошлади. Бу жараёнларни ´рганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, маёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Касалликни даволаш учун ´ша замоннинг ´зига хос содда табобати б´либ, даволашда ´симликлар, мевалар, майвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар. Шунингдек, силаш, у=лаш усули билан баъзи касалликларни даволаганлар ва фолбинлик, семргарлик ва жодугарлик усулларидан мам фойдаланганлар.

Ибтидоий одамлар табиатни, и=лимни шароитдан келиб чи=иб кузатиши асосида обмавони олдиндан айтиб бериш =обилияти пайдо б´лади. Тарбия мам мемнат ва турмуш билан чамбарчас бо²ли= б´либ, одат ва удумлар асосий амамият касб этган.

Маънавий маданиятнинг к´ринишларидан бири ибтидоий санъат мам одамнинг мемнат фаолияти билан уй²ун молда вужудга келган. Уру²чилик жамоасининг пайдо б´лиши даврида ибтидоий одамлар санъатнинг нималигини т´ла англамаган молда тирикчилик жараёнида санъат шакллана бошлади. Ибтидоий саноат хилмахил б´либ, бир неча турларга б´линади:

1) Суяк, тош парчаси, шох, кулолчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, майвон ва мар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) ¢ор деворларига мар хил ранглар билан ишланган майвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, мемнат, жанг ва бош=а манзаралар тасвриланган. Бундай тасвирлар Турон, Самрои Кабир, Марказий Осиё, ¢арбий Европада к´плаб учрайди.

3) £оя тошларга ´йиб, чизиб, иш=алаш усули билан ишланган тасвирларда майвон, буюм, =уроллар ва ибтидоий кишиларнинг кундалик мемнати билан бо²ли= манзаралар ´рин олган. £оя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада к´п учрайди.

4) Архаик санъат турларидан яна бири хайкалторошлик мам уру²чилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо б´либ, асосан аёллар, =исман эркаклар, шунингдек, майвонлар хайкаллари ишланган. Бундай хайкалчалар, суяк, тош ва бош=а нарсалардан тайёрланган. ¥айкал тасвирларда ибтидоий мамнат ва эъти=од рамзлари номоён б´лади.

5) Ишлаб чи=арувчи х´жалик (неолит) фаолияти билан бо2ли= сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизи=лар, µайвон ва ´симлик тасвирлари учрайди.

6) Ибтидоий санъат турларидан бири – ни=облар =адимги одамларнинг овчилик фаолияти билан бо2ли= б´либ, ни=об тутиб µайвон =иёфасига кирган, µайвонларни =´р=итиб ´зларини µимоя =илган. Ни=облардан маросим ва удумларда фойдаланган.

7) Муси=а, =´ши=, ´йин ибтидоий санъат турлари µисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф =илишган.

8) Хал= о2заки ижодиасотир, ривоят ва афсоналар µам ибтидоий давр маµсулоти б´либ, ибтидоий одамнинг турмуши, ´йфикри ва кайфиятини ифодалаган, диний тасаввурларнинг шаклланишига асос б´лган.

Умуман, ибтидоий санъат кишиларнинг дастлабки умумий ижоди б´либ, у одамларнинг меµнат фаоляти, ички руµияти ва диний тасаввурлари билан уй2ун б´лган. Айтиш мумкинки, диний тасаввур ва эъти=од шакллари маданиятнинг моддий ва маънавий турларининг ривожига самарали таъсир к´рсатган.

Диний тасаввур ва эъти=од жамоа тузумининг кейинги даврларида шаклланиб, айрим унсурлари ´рта палеолит даврларида вужудга келган. Ибтидоий одамлар атрофидаги µодисаларнинг сабабларини тушуна олмаган. Табиатдаги турли µодисаларнинг сир-асрорлари уларга маълум б´лмаган. Бу µодисалар негизида сирли, 2айритабиий кучлар яширинган деб тушуниб, шу 2айритабиий кучларга эъти=од =илинган.

Ибтидоий одамлар турли минта=аларга тар=алиб, турли хил тирикчилик билан шу2уллана бошлайди. Табиатнинг ва тирикчиликнинг хилмахиллиги турли эъти=одларнинг пайдо б´лишига сабаб б´лган. Табиат ва жамият µодисаларга бо2ли= 2айритабиий кучларга ишониш ибтидоий эъти=од дейилади. Унинг тотемизм, анимизм, сеµргарлик, фетешизм каби турлари ибтидоий жамоа тузуми даврида кенг тар=алган.

Тотемизмжамоанинг µайвон ёки ´симлик тури билан 2айритабиий =ариндошлик ало=асига ишониши б´либ, овчилик ва термачилик ривожланган даврда пайдо б´лган. Бу эъти=дда тотемµайвон ёки ´симлик ниµоятда µурмат =илинган. Тотемизмнинг илк бос=ичида µайвон му=аддас саналиб, уни ´лдириш

ёки г´штини истеъмол =илиш таъ=и=ланган. Фа=ат уру²нинг урфодат маросимларидагина бу майвон г´шти истеъмол =илинган.

Анимизм –«рух», «жон» маъносини билдириб, бу дунёда рунлар, жонлар шаклидаги ²айритабиий кучларниг борлигига ишониш. Табиатдаги нарсалар, одам ва бош=ларнинг румлари шулар жумласидандир. Уру²чилик жамоасининг ривожланиши билан уру² бошли=лар, марбий й´лбошчилар румигааждодларга си²иниш пайдо б´лган. Матриархат даврида румлар аёллар номи билан аталган. Х´жалик шакллари пайдо б´лгач табиатдаги нарсалар (=уёш, сув, ер) нинг румига топиниш кучаяди. Семргарлик одамнинг ²айритабиий кучларга таъсир к´рсатиш =обилиятига асосланган амаллардир. Бу ибтидоий санъатда мам ´з ифодасини топган. £оятош тасвирларидаги яраланган майвон ифодасида овчилар б´л²уси овнинг бароридан келишини к´злаб, майвонларни семрлаганлигини кузатиш мумкин.

Гоминиднинг уч миллион йиллик эволюцияси нимоясидаги кучли эврилиш натижасида англаш, нут=, дин, санъат вужудга келади. Архаик маданиятнинг хусусияти ма=ида уни ма=ли равишда «гомо сапиенс» яратганлигига этнографик ва археологик маълумотларга асосланиб тасаввур =илиш имкониятларига эгамиз. Биринчи навбатда биз, ибтидоий одамнинг ´зига хос фикрлаш хусусияти ма=ида хукм чи=аришимиз мумкин.

Ибтидоий одамнинг фикрлаши ани=лик, таъсирчанлик, бутунликда фар=ланади . Ибтидоий одам аста секин турли таш=и модисаларни сеза бошлайди. У исси= ва сову=ни , т´= ва очликни, яхши ва ёмонликни мис =илади, ёру²лик ва =орон²уликни ажратади. ¥одисаларнинг р´й беришини кузата бошлайди. О. Фрейденбергнинг фикрича, унда кузатиш таъсуроти устун б´лган. Ибтидоий одамнинг таъсирчан, ани= тасаввури мали модисаларни умумлаштириш =обилиятидан йиро= эди. У теваракатрофдаги во=еа модисаларнинг мониятини тамлил =илмасдан фа=ат юзаки =айд =илади, нарса ва жараёнларга, уларнинг хусусиятига бир хил ёндошган. Ибтидоий тафаккур учун сабабий бо²ланишлар ´та шартли б´либ, =андайдир модисанинг сабаби тез-тез =айтарилиб турилиши натижасида ва=т ´тиши билан идрок =илинган.

А.Н. Рамоновнинг таъкидлашича, «ёзувсиз маданиятнинг ´зига хос хусусиятинут=нинг нокатегориал шаклидир». Бу муста=ил

фаолиятнинг ижодий манбаъларини чекловчи жараён μисобланади. Инсонга керакли барча янгилик ва билим фа=ат фаолият жараёнида намойиш =илиш усулида берилган. Шунинг учун ибтидоий маданиятда маросимга ´хшаш шакллар устунлик =илади. А. Рамонов айтганидек, маросим ани= ва ма=садли фаолият б´либ, уни амалга ошириш ижтимоий гурумлар ну=таи назарида ишлаб чи=ариш фаолияти каби маётини са=лаш учун мам ´та мумим μисобланади. Маросим прагматикона ва фа=ат маълумот берувчи эмас, балки уларга берилаётган маълумот т´ли= μолда б´либ с´з ор=али изоμланмайди. Унда ишлаб чи=ариш фаолияти мам, билим мам, сеμр жоду мам, санъат мам аралаш μолда бир бутунликда намоён б´лади.

С´нги палеолит даврида анимистик эъти=одлар ва сеμржоду маънавий маданиятнинг негизи сифатида =атъий расмийлашди. £адимги эъти=одларнинг шаклланиши манбаида табиатнинг таш=и к´риниши ва одамлар жамоаси ма=ида тасаввурларнинг уй²унлашиб кетиши ибтидоий одам учун хос б´лган инсон ва табиатнинг субъекти ва объекти бирлиги таъсирида, эμтимол жамоа нима билан шу²улланса ´шанга бо²ли= б´лган μайвонлар, ´симликлар, тошлар, яъни унинг фаолияти доирасида нима мавжуд б´лса барчаси учрайди. Дунёда яшаётган аμолининг к´плаб рум ва жонлар билан муносабатда б´лиш воситаси сифатида сеμргарликни келтириб чи=арди. Сеμргарликнинг энг =адимги турларидан бири овчилик сеμргарлиги б´либ, ´лжа я=инлашиши билан уни тутиш маш=ини ´рганади. Биро=, барча μаракатлар фа=ат маш= билан тугамайди. Уни амалга ошириш жараёни асосий масала μисобланади.

Дастлабки сеμргарлик μаракатлари мазмунида тотемизм – μайвонлар аждодига топинишни келтириб чи=арди. Ибтидоий жамоа турмуши, ови, уруши, μайвонларни тутиб ейиши, ту²илиш ва ´лимини – умуман инсон μаётини тотемистик, яъни, тотемлар кураши ва т´=нашиши ор=али тасаввур =илади. Бу тасаввурлар о=ибатда космогоник манзарага асос солади, =аерда μар бир тотемкоинот борки ейди, й´=олади ва тирилади, =ари коинот ´рнига ёшлар келади. Уларнинг ´рин алмашиши ва ёшариши ёки тирилишининг борлиги ´лимдадир.

Сеμргарликка ´хшаш μаёт нафа=ат пайдо б´лаётган тушунчаларни ´зида жамлади, балки маданиятнинг энг =адимги шакли

б´либ =олди. Ундан μозирги ва=тгача оламни ´зида акс этган дин, санъат, фан соμалари пайдо б´лди. Барчаси суякка чизиш ва на=ш солиш, кичик μайкалтарошлик, белги – муμр босиш, б´ё=и μошиялар чизиш, ²ор деворларига бетартиб чизи= шакллар со-лишдан бошланди ва натижада машμур Альтамир, Ласко, Мон-тоспан ва бош=а ²орлардаги тасвир галереяси вужудга келади. Ғор тасвирлари табиий, аниқро²и μаётий акс эттирилган. Ғор тас-вирларининг дастлабки бос=чида жонворлар тасвири алоμида ´рин тутади: отлар, ёввойи =орамол, мамонтлар ´та ёр=ин тас-вирланган. Палеолит кишисининг тасвир фаолиятида нафосат уй²унлиги ёки расм ёзувлар (пиктография) эмас, балки тасвирни «фотографик» тарзда ифодалаш устун б´лган. Бу тасвирлар ма-росим тафсилотларидир. Машμур санъатшунос А. Арнхеймнинг таъкидлашича палеолит даврида санъат μаётий зарур вазифани бажарган. У кишига мислсиз куч бахш этиб, тирик мавжудод ва нарсалардаги маъносизликка»сеμр бахш» этиш имконини ярат-ган. Ибтидоий одам чизилган тасвирга жониворларнинг жони ´тади, шу туфайли уларга таъсир =илиш мумкин деб ´йлаган. Архаик санъат инсонни μайвонлар руμияти билан =изи=шида алоμида восита б´либ, унда μа==оният ва маросим уй²унлашиб кетади.

Ўзбекистон худудида с´нгги палеолит даврига оид =ояга солинган тасвир намуналари учрамасада, ушбу даврга тегишли 30 дан орти= манзилгоμлар ´рганилган, жумладан Самар=д манзилгоμи, Оμангарондаги тош =уроллар, тайёрланган «устахона», К´кбуло= ва О=тош манзилгоμлари.

Ўзбекистон μудудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг =адимгиси мезолитнеолит даврларига оид б´либ, улар жаμон тасвирий санъат тарихининг ажралмас =исмидир. Шунингдек, бу тасвирий санъат тарихи бир =атор алоμида к´риниш, ´зига хослик ва фар=ик жиμатларга эга б´либ =уйидаги бос=ичлардан иборат:

1. Ғорлар, =адимги тошлар ва турли =ояларда са=ланиб =олган ибтидоий тасвирлар яратилган давр.

2. Лой, ганч, тош ва ё²очдан ишланган =адимги μайкаллар на-муналари ва турли μунармандчилик буюмларидаги тасвирлар яратилган даврлар.

Мамлакатимиз то²лик туманларида кенг тар=алган =оятош тасвирлари ишланиш усулига к´ра икки хил: бир хиллари б´ё= (охра) билан; иккинчи хиллари эса ´йибиш=алашчизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар).

¤збекистондаги =оятош тасвирларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Беронсой, К´ксарой, Такатош, Тераклисой каби юздан зиёди топилган. Бу =оятош тасвирларда ¤збекистоннинг =адимги ва µозирги µайвонот олами турларини кузатиш мумкин. Булар ибтидоий шер ва й´лбарслар, =оплон, тулки ва б´рилар, бу²у ва жайронлардир.

¤збекистондаги =оятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиµатидан хилмахил. Унда одамлар, ов, йирт=ич µайвонлар т´=нашуви манзаралари тасвирланган. Бу тасвирлар ор=али ´ша давр одамларининг ов, меµнат =уролларини билиб олиш мумкин. Шунингдек, =оятош расмлар =адимги аждодларимизнинг ²оявий =арашлари ва диний эъти=одларини ´рганишда муµим ахамиятга эга. Негаки, ибтидоий одамлар бирбирларига фикрларини, муносабатларини истакларини чизи=лар, оддий шакллар, содда тасвирлар ор=али етказишга интилганлар . Масалан, улар ов =уролларини тасвирлаш ор=али овга бормо=чи эканликларини ифодаласалар, ёввойи бу=а ва бош=а турли µайвонлар тасвирлари ор=али, ´ша µайвонларни овламо=чи эканликларини билдирганлар.

К´µитанг то²ининг ю=орисида жойлашган ²орни «Олтин олов =ояси» ёки «Олтин олов дараси» деб аташган. Чунки заролтин, ´толов маъносида бу ёдгорлик «Заравутсой» деб аталган. Заравутсой ов манзарасидаги турли расмларни кузатиш =адимги одамларни µаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур =илиш билан бирга ибтидоий бадиий маданиятнинг ´зига хос жиµатларини англашга ёрдам беради. Ибтидоий одамларнинг тирикчилик манбаи б´лган ов манзарасини кузатиш ор=али овчилик илмининг айрим =ирраларини ´рганамиз.

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврга мансуб намуналаридан бири Жиззах вилоятидаги Та=атош номли тошдаги тасвир ёзувлардир. Бу тасвирларда фикр, сезги, амалий эµтиёж каби туй²улар акс эттирилган. £адимий тасвирлардан яна бири Зарафшон этакларидаги «Сармишсой» тасвирларида эса ибтидоий рассомлар ижоди ´з аксини топган. Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида =ад к´тарган

=оятошларнинг силли= юзасига солинган. Сармишсой =ояларида ёввойи бу=алар, шохдор бу²и ва =улонлар, елиб бораётган то²тa=аси, оµу, т´н²из, б´ри, =оплон, итлар µамда бирбири билан олишаётган ёввойи ва µонаки µайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари µам тасвирланган.

£адимги рассомлар фаолиятида µам кузатувчанлик, шакл ва чизи=лар ор=али б´лаётган во=еаларнинг характерини , мазмунини ёритиб бера олиш =обилиятлари к´зга ташланади. £оятош, даралар ва ²орлардаги расмлар мазмунан бой б´лиши билан бирга хилмахилдир. Уларда турли манзаралар ´з аксини топган. Умуман бу тасвирлар ор=али одамларнинг муштарак туй²улари юзага чи==анлигини к´рамиз. Бу расмларда µар бир белги, =оралама ёки шакл ´зига хос фикрни, µатто сеµру жодуларни ифодалаб бериши билан =изи=арлидир. Шулардан к´ринадики, аждодларимиз µаётида, турмуш тарзида тасвирий фаолият алоµида ´рин тутган.

Маълумки, инсон ´з меµнати туфайли µайвонот дунёсидан ажралиб чи==ач, яшаш учун кураш жараёнида =анчалик онгли меµнат =илса, у шунча муваффа=иятларга эришган. Кураш ва меµнатда эришилган муваффа=иятлар урфодат, удум, маросим, анъана ва байрам хурсандчиликни вужудга келтирган. Маданиятшунослар фикрича байрам ва маросимлар энг =адимги даврдаё= мавжуд б´лган ва ибтидоий одамлар µаётида муµим рол ´йнаган. D.М. Генкиннинг фикрича, «маросим ва байрамларнинг чу=ур илдизи инсониятнинг «г´даклик» даврига бориб та=алади ». М.М. Бахтиннинг таъкидлашича, «Байрам инсоният маданиятининг бошлан²ич шаклидир». Бу жараён ибтидоий одамлар овчилик билан кун кечирган даврларда я==ол содир б´ла бошлаган. Ю=орида тилга олган тасвирларда асосан µайвонлар, ов =илиш, овчилар ра=си (баъзан µайвонлар ни=обида) каби тасвирлар =адимий одамларнинг ´з меµнати (ови) натижасини тантана =илганликларидан далолат беради. Ибтидоий овчилар µаётида овчилик маросим –удумлари муµим ´рин тутган. Овчилик маросимлари овдан олдин µам овдан кейин µам ´тказилган. Шунингдек, овчилик маросимлариовга тайёргарлик, ёшларни овга ´ргатиш ва овдан кейинги тантаналарни ифодалаб, тасвирларда акс этган. Буни биз Зараутсой ва Саймалитош расмларида нафа=ат то –

темларга си²иниш, балки ов маросимбайрамлари ҳам акс этганлигини к´рамиз.

Илк бор махсус уюштирила бошланган маросим байрамлар тотемларга ба²ишланган. Я.П. Белоусовнинг фикрича, «Энг =адимий ва оммавий маросимлар =аторига зоофалик маросимларни киритиш мумкин». Бу маросимларда турли жойларда тотем ҳисобланган турли ҳайвонлараййи=, ёввойи эчки, сигир, бу²у, от, б´ри кабиларга топинганлар. ´рта Осиёда илон, бу=а, =´й, от, туя, шер тотемлари кенг тар=алган. Буни биз =азилма ёдгорликлардан топилган амалий санъат буюмлари мисолида кузатишимиз мумкин.

Меҳнат та=симотининг вужудга келиши муносабати билан =адимги одамларнинг ишлаб чи=арувчи х´жаликка (неолитда) ´тиш натижасида янги соҳаларга оид маросим ва байрамлар вужудга кела бошлади. Бу «Меҳнат маросимлари» б´либ, у ҳам ´з ´рнида маданият ва санъат (театр, ра=с, пантамимо санъатининг примитив к´ринишлари) нинг ривожланишига замин яратди.

Г. Чайлднинг таъкидлашича, бундан 10 минг йилча олдин неолит ёки аграр ин=илоб содир б´лади. У энг аввало, Олд Осиё ва Я=ин Шар=да содир б´либ, бу деҳ=ончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши билан бо²ли=. ´тро= турмуш тарзи ишлаб чи=ариш соҳаларининг ривожланиши учун шароит яратди. Т´=имачилик, кулолчилик, уйжой =урилиш пайдо б´лди. Табиий танланиш ´симлик навлари ва ҳайвонлар зотининг ´згаришига аста –секин, анъанавий такрорланувчи мувофи=ликни пайдо =илди. Аграр соҳа астрономик кузатишларни тартибга солишни талаб =илди. Бу даврда инсоният тафаккурининг ривожланиши мифологияни шакллантирди.

Миф ва мифология энг аввало антропоморфизмтабиатдаги нарсаларга ҳам одамга хос деб =араш ва худоларни одам =иёфасида тасаввур =илишни ифодалайди. Миф ва мифологияни =адимги эъти=одлардан фар=и, оламдаги барча мавжуд муносабат ва =адриятларни изоҳлашни ´зига олади. Бу ´ша даврларни билишнинг ´зига хос назарий асоси ва махсус шаклидир. Негаки билимёр=ин рангбаранглик, ифодалилик, ж´ш=инликдир. Мифология дастлабки бос=ичда кишилар учун билим ´рганиш ва мустаҳкамлашнинг ягона манбаи ва усули эмаслиги даргумон.

Биро=, Л.С. Васильевнинг таъкидлашича, билимни мустаҳкамлаш бу –мифни ´рганиш й´ли билан эмас, балки унинг удумлари, маросимларининг амалда такрорланиб тар=алишида содир б´лади. Миф ва маросим архаик маданиятнинг г´ёки икки томони, яъни – с´здаги ва ҳаракатдаги, назарий ва амалий. Мифологик билим илмий ҳа=и=атга маълум ми=дорда даҳлдордир.

Мифологик билимнинг иккита асосий ижтимоий вазифаси бор:

1. Ушбу умумийликнинг асосий вазифаларини, уларнинг одатий мавжудлигини кишилар онгига киргизиш ва мустаҳкамлаш, хусусан, шаклланган =оидаларни тасди=лаш, =онунийлаштириш ва ҳатто жамоани тиклаш ва бар=арорликни таъминлаш учун уларни анъанага айлантириш;

2. Жамоани =´р=увдан халос =илиш ма=садида ва руҳий ҳоловатни кафолатлашда атрофмуҳит билан, бутун таш=и олам билан мустаҳкам ало=а ´рнатиш ва таъминлаш.

Миф оламни мавҳум ғоялардан бузилган тарзини ´зида намоён =илиб, ноани= ва =уру= мулоҳазаларнинг шаклланишига имкон беради яъни, дастлабки даврда инсонни уни чулғаб турган ани= кундалик ишлардан фикрини чалғитиб, ҳаёлий поэтик оламга олиб киради. Миф оламни жамоа б´либ анъанавий ҳис =илишдир, негаки, шу алфозда у ҳар доим илк диний тасаввурлар мажмуининг негизи ҳисобланган. Миф дастлабки дунё=арашнинг зарурий, му=аррар шаклидир. Умум тасаввурлар мифнинг шаклланишига сабаб б´лолмайди ва ҳиссий тажрибакузатишлар учун ҳам, ноани=мавҳум мулоҳазаларга ҳам асос б´лолмайди. Гуруҳлар тушунчаси энг аввало бутун борликни ´зига =´шиб ҳиссий =айғуришига таянади.

Ахборотлар ҳажмини беҳад ´саётганлиги уни узатишнинг янги каналларини яратишни талаб =илди. Мифларнинг пайдо б´лиши мавҳум тушунчалар вужудга келганлиги ҳа=да, инсоннинг нут=и ривожланаётганлиги ҳа=ида гувоҳ беради. Бунга бир мисол – тасвирий санъатнинг ривожланишидир: расмлар бир =адар ани=лашиб, соддалик ва шартлилик кучайиб боради. Тасвир к´про= рамзийлик белги хусусиятини касб этиб, унинг ёрдамида ахборот бериш мумкин б´лади. Топилган петроглифлар (тошбитиклар) инсонлар жамоасининг ҳаёт ҳодисалари ҳа=ида етарли, муфассал ҳикояларни ´зида са=лаб келган. Бундай тасвирларга мисол =илиб Сурхандарёнинг Зара´тсой дарасидаги =оятош расмларини

к´рсатиш мумкин. Билимларни са=лаш ва узатишнинг яна бир воситаси жамоанинг алоµида аъзолари, бош=а кундалик ишлардан озод =илиниб, фа=ат маълумотларни йи²иш, са=лаш ва узатиш билан шу²улланган. Бундай кишилар шаманларга (сеµргарларга) айланган. Шаманларни к´пи ёши улу², µаётий билим ва тажрибага эга, табиатни кузатиб ´злаштирган, маросим ва удумларни билувчи кишилар б´лган. Масалан, Шимолий Америка µиндуларнинг аджибве =абиласи шаманлари ´зи яшаётган жойнинг ов =илиш шартларини, µайвонларнинг ´зига хос феълини пухта ´рганади, овдан =айтган овчилардан µар доим суриштириб ´з билимини оширади. ¤злаштирган маълумотлари шаманга т´²ри =арор чи=ариш имконини бериб, шу тари=а у =абила ва уру² аъзолари ичида обр´га эга б´лишига ва натижада сеµргарлик удумларини бажарувчи асосий ижрочисига айланиб =олади.

Марказий Осиё минта=асида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. ав. VI минг йилликда Копетдо² этагида вужудга келган Жойтун маданияти гувоµлик беради. ¤тро= деµ=онлар ва чорвадорларнинг бу маданияти асосан, самонли лойдан =урилган уйлардан иборат манзилгоµ б´либ Эрон ва Месопотамия хал=лари маданияти билан я=ин ало=ада шаклланган Жойтунликларнинг маънавий маданиятини ривожи ма=ида катта умумий ибодатхона деворларига ишланган рангтасвир далил б´лади. Мил. ав. IVIII минг йилликда Хоразм худудида неолит даврига оид Калтаминор маданияти шаклланди.

Неолит ин=илоби моµиятига к´ра архаик маданиятнинг охири µисобланади. Ишлаб чариш фаолиятининг янги туридеµ=ончилик ва чорвачиликка ´тиш билан инсон табиатда муста=ил фаолият к´рсатиш =обилиятини намоён =илди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий ²алабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик =илиб, уру² аъзоси, уру² манфаатлари доирасида фаолият к´рсатган б´лса, энди индивидуал онг ва =изи=иш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барµам топди. Бу даврда жамоа мулки ´рнига хусусий мулк вужудга келиб, µунармандчилик ажралиб чи=ади ва маµсулот айир бошлаш шаклланади. Ижтимоий тузум шакли мураккаблашади. Муста=ил х´жалик юритишда мувофи=лаштиришни кучайтириш зарурати, к´пинча жамоанинг бош= аъзолари ёки =абила оилалар билан =ариндошлик

алоҳаларининг боғланмаганлиги махсус бошқарув аппаратини тузишни талаб қилди. Энди оқсоқоллар ва қабила йўлбошчилари йиғинининг аҳамияти сезиларли ошди, бу қабила йўлбошчиларига сиғинишни шакллантира бошлади. Йўлбошчи қабиланинг бахтсаодат соҳиби, аждодлар руҳи унга туҳфа қилган маҳсус фазилат «омад»эгаси сифатида демократия белгиларига ҳурмат сақлайди. Йўлбошчиларга сиғинишда йўлбошчининг жамоа ҳаётида тутган муҳим ўрнини эътироф қилиш ифодаси туради: У нафақат қабила худудини қўриқлашни ташкил қилиб қолмай ҳарбий юришга бошчилик қилади ҳам, шунингдек, муҳим жамоат ишларини бажариш учун хонадонларни бирлаштиради ва жалб қилади (канал қазиш, муҳофаза тўсиғлар ўрнатиш; яйлов, ўрмон, дарёлар каби умум фойдаланадиган мулклар учун).

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди.Ғайиқ ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди . Айримлари ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фольклор намуналари вужудга келади (мифлар, достонлар, ҳикоялар, маросим қўшиқлари ), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктографик (расмёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари. Монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал иншоатлар катта тош бўлак ва тош плиталардан қурилган мегалитлар ҳисобланади. Мегалит иншоатларнинг турлари бирбиридан фарқ қилади. Масалан, менгирлар баланд тошдан иборат бўлиб, баландлиги 20 метрдан ошади, улар алоҳида ёки хиёбонларга қатор қилиб қурилган. Долменлар (тош мақбаралар) тош плиталардан сағана ёки мақбара (кулба) шаклда қурилган. Кромлехлар эса атрофига тошлар ётқизилган иншоатлардир. Энг машҳур кромлех буюк Британиядаги Стоунхендж ҳисобланади. (мил. авв. II минг йиллик бошларига оид). Мегалитлар саждагоҳ ва ибодатлар жойи саналсада, аслида улар бошқа мақсадлар учун мўлжалланган. Мегалитлар халқларни бирлаштириб, жамоанинг барча кучларини жипслаштиришига, янги ижтимоий тузум вужудга келаётган ҳолларда инсонларни умумлаштириш (социализация) мақсадларига хизмат қилди. Негаки, давлат тузилиши жараёнида турли ижтимоий қатламларнинг бўлиниши содир бўлади;

бош=арувчилар, маънавий маданият ва билим эгалари коҳинлар ва оддий бажарувчилар.

¤збекистон ҳудудида жез даври мил. авв. II минг йиллик бошларини ´з ичига олади. Худди шу даврда икки турдаги муста=ил маданият шаклланиб ани= ажралади: ´тро= деҳ=ончилик воҳаларидаги маданият; к´чманчи даштликлар маданияти. ´тро= деҳ=ончилик маданияти дастлаб Сурхондарё воҳасидаги Сополлитепа, Жар=´тон маданиятлари, Фар²она водийсидаги Чуст маданияти, иккинчиси Замонбобо, Тозабо²ёб, Суярган ва Амиробод каби жойларда вужудга келди.

¤збекистон жанубиСурхондарё вилоятида ҳозирда ҳам машҳур б´лган усталар, заргарлар ва санъаткор – =урувчилар яратган маданият энг =адимги маданиятдир. Мил. авв. XVIIIX минг йилликка оид Сополлитепа ва Жар=´тон манзилгоҳларида =адимги шар= туридаги илк шаҳарнома цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни кузатилади. Сополлитепа лабиринтнома (=аср) т´²ри бурчакли к´ча тармо²и ва истеҳком тизими б´лган манзилгоҳлар мажмуидан ташкил топган. Жарк´тонда ҳам монументал меъморчилик хом ²иштдан =урилган. Марказда =алъа жойлашган, уйлар хом ²иштдан баланд к´тариб =урилган. ¥ар бир гузарда бинонинг ´ртасида юмало= ´чо= шаклида девор токчасида олов меҳробдан иборат си²инадиган маркази б´лган. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, т´=имачилик, кулолчилик, заргарлик; суяк, тош, ё²очга ишлов бериш гуллабяшнаган. Турли кулолчилик буюмларини кулолчилик дастгоҳида пишириб сифатли тайёрланганлиги, шаклининг чиройлилиги кулолчилик соҳасининг техника ва технологияси ю=орилигидан далолат беради. Топилган намуналардан маълум б´лишича ¤збекистоннинг Жанубида яшовчи аҳоли =адимги шар=, айни=са ҳинд водийсидаги Хараппа цивилизацияси намуналари билан кенг ҳамкорликда б´лган. Буни Сополлитепа ва Жарк´тон шунингдек, ¤збекистоннинг боша= деҳ=ончилик маданиятида ҳам учратиш мумкин.

Бронза даврида шаклланган «к´чманчи чорвадорлар» маданияти мил. авв. III минг йиллик охириII м. й. бошларига оид б´лган Бухоро воҳасидаги Замонбобо манзилгоҳида ´рганилган. Замонбобо аҳолиси катта ярим ерт´лаларда яшаб, бронза ва тош =уроллар ишлатишган. Кулолчилик дастгоҳисиз =´лда ишланган таги юмало=, ясси сопол идишлардан фойдаланган. Жез даврида маданиятлар

ят ёдгорликлари Амударё ва Зарафшоннинг =´йи о=имидан, Тошкент воµаси, Фар²она водийси, Самар=анд вилоятидан топилган. Улар чорвадор =абилалар маданиятининг вужудга келиши µа=ида =имматли маълумотлар беради. Чорвадор =абилалар жез даврида ´тро= турмуш тарзига ´та бошлади, =исман деµ=ончилик билан шу²улланади, кейинчалик к´чманчи чорвадорларга айланишган.

Архаик маданият ´рнига =адимги цивилизация маданияти ´рнатилди: мураккабижтимоий тизимга эга б´лган дастлабки давлатлар, диний ва =онунчилик шаклларининг ривожланиши, шаµар ва ёзувлар. Биро= архаик маданият изсиз й´=олмади. Унинг айрим =ирралари жаµон хал=лари мифларида, фольклорида, инсон руµиятининг чу=ур «архетиплари» да са=ланган. К. Юнгнинг назариясига к´ра архетиплар «онгсиз жамоанинг» руµий тузумидир. Улар замондан таш=арида намоён б´либ, шунга мувофи= тарзда =иёфалар, яшаган ва яшовчи кишиларнинг туй²уси ва фикри шаклланади, рамзий тасвирларда, мифларда акс этган жамоага хос б´лган тарихий тажрибада оламни англашнинг ибтидоий шакллари са=анган . Кишилар к´пинча ´злари пай=амаган µолда у ёки бу анъаналари билан, улардаги архетипик рамзлардан ажралган µолда яшайдилар. Барча замонавий маданиятлар асосидаги бу чу=ур негизни сезиш ва ´рганиш µозирда содир б´лаётган жараёнларни яхши таµлил =илишимизга, маълум маънода келажакка назар ташлашимизга ёрдам беради.

## Таянч тушунчалар

Архаик маданият, мозий, полеолит, неолит, фергантроп, тотем, анимизм, фетишизм, мифология, маросим, монументал.

## Мавзуни такрорлаш учун саволлар

1. Архаик маданият деганда нимани тушунасиз?
2. Архаик маданиятнинг асосий бос=ичлари.
3. Архаик маданиятнинг жаµон маданияти тарихидаги ´рни.
4. ¤збекистон µудудида топилган архаик маданиятнинг асосий намуналари.
5. Архаик маданият даврида одамларнинг олам ва инсон µа=идаги тасаввурлари.

6. Архаик давридаги анъаналар, удумлар, байрамларнинг хил-махиллик сабаблари.

7. Архаик давр маданиятида тасвирий санъат ва бадиий µунармандчиликнинг к´ринишлари.

8. ¤збекистон худудида Архаик даврга оид =андай ёдгорликлар топилган.

9. ¤збекистон µудудидаги =андай =адимий динларни ва уларнинг маросимларини биласиз.

## АДАБИЁТЛАР


1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак й´=. Т., 1998 й.

2.Каримов И.А. ¤збекистон XXI асрга интилмо=да. Т., 1999 й.

3. Алексеев В.П., История первобытного общества. М.1990 г.

4.Бойназаров Ф. Антик дунё, Т. 1983 й.

5.Древние цивилизации. М. 1989 г.

6.¤збекистон хал=лари тарихи. 1£исм. Тошкент. 1992 й.

7.Романов В.Н. Историческое развитие культуры. (Проблемы типологии) М. 1991

8. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1992 г.

# 5МАВЗУ
# АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

1.£адимги Шар= маданиятининг вужудга келиш шартшароитлари.

2.£адимги Шар=ликлар дунё=араши ва тафаккурининг ´зига хослиги.

3.£адимги Шар=даги йирик маданиятларнинг (Миср, Месопотамия, ¥инд, Хитой) ´зига хос =иёфаси.

4.Антик маданият (£адимги Юнон ва Рим).

£адимги Шар= µудудида мил. авв. XVII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожланишининг ибтидоси билан бо²ли= б´лган энг муµим жараёнлар р´й беради. Бу даврда Шар=да маданий фаолиятнинг турли шакллари ва соµалари вужудга келади. Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаµон дини буддизм пайдо б´лади. Бу бошлан²ич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тара==иётини тасаввур =илиш =ийин.

£адимги Шар= тушунчаси, Шар= µа=идаги µозирги тасаввурларга мос келмайди. Негаки, £адимги Шар= ер шарининг Мисрдан то Хитойгача б´лган кенг минта=асини ´з ичига олиб, бу ерда мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсоният тарихида дастлабки цивилизация вужудга кела бошлади. Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дарёлар – Нил, Дажла ва Фрот, ¥инд ва Ганг, Хуанхе ва Янцзи водийсида, яъни деµ=ончилик ривожланиши учун =улай имкониятлар мавжуд б´лган жойларда р´й берди. Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифатида шаµарлар, ёзув вужудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чи=арувчи меµнат фаолиятидан бевосита ажралиб муста=ил фаолиятга айланади. Жамият µаётида алоµида кишилар =атлами бош=арув , таълим, маълумотларни т´пловчи ва узатувчи соµаларда шу²улланувчилар ажралади ва к´пайиб боради.

Миср, Месопотамия, ¥инд ва Хитой цивилизациялари энг к´µна ва йирик маданиятлар эди. Бу маданиятлар таъсирида Урарту, Финикия, Хетт, Элам цивилизациялари шаклланиб, инсоният маданияти тарихида сезиларли таъсирга эга б´лди.

И.П. Вейнбергнинг таъкидлашича, =адимги Шар= маданияти «илк кашфиётчи ва асосчи сифатида улкан миссияни» бажарди; ёзувни ишлаб чи=иш ва давлатчилик пойдеворини =уриш, ´зининг этник, касбий, мулкий ва ижтимоий аµволи билан фар=ланувчи кишиларнинг бирга яшашлари учун шароит яратди. Агар бош=а маданиятлар ибтидоий ва =адимги Шар= маданиятининг тажриба ва юту=ларидан фойдаланган б´лса, =адимги Шар= маданиятининг ´зи эса ибтидоийликнинг бир тарзида шаклланди. Ибтидоий муµитнинг таъсири кучли ва доимий б´лди. Ибтидоий даврдан мерос б´либ мифологик фикрлаш усули, нут= ва фаолият ´тди. Шу билан бирга =адимги Шар= маданияти намуналари ´з дунёсининг «бошловчиси», «янгиликларини» ´зига хос жиддий µис =илди. Миср, Месопотамия, ¥инд ва Хитой мифларида нафа=ат «дунёнинг яратилиши» (осмон, ер, жониворлар, инсон) мавзуи, балки, бу ривоятлар оламида ибтидоий дунёдан кескин фар=ловчи «маданиятларнинг яратилиши» мавзуи µам катта ´рин эгаллайди. «Энклар ва коинот» (Месопотамия), тангри Птах µа=ида (Миср), Хитойнинг афсонавий µукмдори µа=идаги мифларда худолар ва илк аждодлар деµ=ончилик ва µунармандчилик кашфиётчилари, илк шаµарлар бунёдкори, давлатчилик ва динни ´рнатувчилар, =онун ва ёзув ижодкорлари сифатида яъни, ибтидоийликдан фар=ланувчи цивилизациянинг барча юту=ларини яратувчилар б´либ тасвирланади. Шунингдек, мифларда бирбирига мос келмайдиган, =арама=арши ва бу икки дунёнинг душманлиги мавзуи µам тасвирланади.

£адимги Шар= хал=ларининг урфодатлари ва эъти=одлари µа=ида маълумотлар турли манбаъларда, адабиёт ва санъат ёдгорликларида са=ланиб =олганки, булар бизнинг тасаввур дунёмизни кескин фар= =илувчи оламга бошлайди. £адимги Шар= маданиятининг шаклланишида мифологик тафаккур катта рол ´йнаган.

Мифологик тафаккурбу предметликµиссий, жонли тафаккур етарли ривожланмаган мавµум тушунчаларга хос б´либ, бундай тушунчаларни ишлатиш ва с´зда уларни ифодалашнинг сустлиги ва =ийинлигидир. (Шумерликлар «´лдириш» дейиш ´рнига «бошига таё= билан уриш» дейишган).

£адимги Шар= кишиси сабабли натижа муносабатларни тушунган ва фар=лаган , биро= уларни мужмал ва =онунга мос

б´лмаган ҳодиса сифатида, к´пчилиги эса шахсий =удрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок =илади. Сабабларни излашда «=андай» деб эмас, балки «ким» деб с´рашади («ҳодисада ким айбдор»), «ихтиёрий, ани= ма=садда ҳаракат =илганни» излашган. «Сабабларни» бундай идрок =илиш о=ибатида мифологик тафаккур айрим ва бутунча, бирбирига ´хшаш ҳар =андай таш=и ´хшашликни =абул =илади. Функционал ало=адорлик сифатида макон ва замондаги ҳар =андай бо²ли=лик с´зи билан мифологик тафаккурнинг фикран бо²ли=лиги ҳа=ида гапиришга имкон ту²илади. Фикрий бо²ликлик билан ´хшаш тафаккур ҳам ало=адор. £андайдир янги нарсани к´риб инсон ´зига дейди: «Бу янги нарса нимага ´хшайди?» ва унга ´хшаш нарсани ´зидан ва аждодлари тажрибасидан излайди. Хусусан, «асл намуна» тамойили кенг тар=алган б´либ, унга к´ра ҳаётдаги барча муҳим нарсалар (эҳром, подшо ҳокимияти, инсон) илоҳий =удратнинг «асл намунасига» мувофи= яратилган.

Оламни мифологик тасаввур =илиш унинг ниҳоятда тартибли, =атъий иерархик =урилишида ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозициялар тизими ҳисобланади. Айнан шулар мифологик рамзий таснифлашдаги дастлабки «пойдевор» ҳисобланади (£арама-=арши типлар : о=-=ора, ´нг-с´л, осмон-ер, ма²риб-машри=, кун-тун, бизу-улар, катта-кичик, эр-хотин, ҳаёт-´лим ва бош=алар). Шунингдек, ´нг, ю=ори, катта, я=ин, ´з, ёру² таомилга к´ра =арама-=аршиликнинг мусбат-ижобий томонини, сул, =уйи, кичик, узо=, бегона, =орон²и эса салбий жиҳатини ташкил =илади.

Мифологик тафаккурнинг мувофи= ва ´хшаш жиҳатлари унинг анъанавийлиги билан бевосита бо²ли=. Анъана бирбирига я=ин, биро= моҳиятан бош=а б´лган ҳодисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингари фаолиятда намоён б´лади. Буларнинг бари у ёки бу ситуациядаги ани= ахло= дастурига эга б´либ, ҳаракатнинг т´²рилигини кафолатлайди, нот´²ри ҳаракатларни огоҳлантиради, негаки анъаналар негизида социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

£адимги Шар= маданиятида анъаналарга асосланиш устун туради. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутло= ҳа=и=ат каби баҳоланган. Мутло= ҳа=и=ат ҳукмронлиги билан, Д.С. Лихачев таъкидлашича «одоблилик» бо²ли= б´лган. £адимги Шар= кишисининг ахло=и ҳаракат ва фаолиятда му=аддас анъаналарни =айта

тиклашга =аратилган « илоµий ´рнатилган» меъёр ва =оидаларга бориб та=ади . А.Я. Гуревич шундай дейди: «Кишилар µаракатининг к´kдаги илоµий тимсолга талпиниши уларни илоµ билан бо²лаб, ахло=да во=еликка айланди». Кишиларнинг барча фаолияти (ишлаб чи=ариш, жамоатчилик, оилавий) му=аддас маросимларда =анчалик иштирок этиши билан мазмун касб этади. Анъанавий жамиятда «=адимги» ва «яхши» с´злари синоним б´либ, =адимгиэзгуликнинг кафолатидир. Шунинг учун уй ва анжом, кийим ва ози=а минг йиллар давомида кам ´згарди, шунинг учун адабий жанрлар, санъат жанрлари µам бар=арор б´либ келмо=да, янги эµромлар нафа=ат эскисининг ´рнида =ад ростлади, балки уларнинг «асл намунасини» =айтадан тиклади. И.В. Клочков ёзишича, янги замон кишилари дунёни µаракатда, ривожланишида к´ради, «Эволюция», «тара==иёт» тушунчалари дунё =иёфасини яратиш учун й´л очувчи таснифлар µисобланади. Бундан барча янгиликка замонавий жамиятнинг очк´з =изи=иши бошланади. Дунёнинг бош=ача =иёфаси анъанавий жамият кишиларидан ташкил топади: =адимги дунё яшайди, биро= ´згармай =олади. Ривожланиш ²ояси (тара==иёт ёки ин=ироз) к´ринишидан, унинг англанишишии мутла=о бегона. Дунё жуда =адимдан худолар белгилаган ´згармас тартиб б´йича яшайди.

Мифологик тафаккурнинг ´зига хос хусусияти шундаки, =адимги шар= кишиси ´зини µар доим социумнинг бир =исми деб µис =илган, социум эса коинот кучига бо²ли=ликда , табиатга аралашган µолда к´ринади. Гарчи, =адимги Шар= маданиятининг турли =ирраларида шахсни индивидуаллаштириш имкониятлари мавжуд б´либ, улар µар доим индивиднинг турмуш шароитларини белгиловчи асосий соµаларга нисбатан иккинчи даражали µисобланган.

£адимги Шарда маконнинг пайдо б´лиши чегараланиши алоµида ´рин тутади. £адимги Шар= мифологиясида космогенез жараёни Хаоснинг ажралиши сифатида намоён б´лади (Мисол учун, µиндларда Индра µа=да миф , Месопотамияда Марду= µа=да ). Тартибли уюшган макон, бетартиб маконга а=рама=арши =´йилади. Табиийки, тартибли, ташкилий жиµатдан уюшган макон «яхши», «´з» маконнинг, ундан таш=арида «бегона», «унинг» бетартиб, ташкилий уюшмаган «хунук» маконик´чманчилик, ибтидоийлик дунёси жойлашган.

Шунинг учун санъат асарларида бош=а хал=ларнинг ´зига хос кийими, сочи, турмуши ´та ди==ат билан ани= худди ´зидай тасвирланади – барча =иррасида =арама=арши оламнинг фар=и таъкидланади.

«¤зининг» маконида ижобий хусусиятга эга б´лишда давлат асосий рол ´йнайди. Шуни таъкидлаш жоизки, =адимги шар=да давлат оддий сиёсий µокимият сифатида ´зини намойиш =илмади, давлат дин билан уй²унликда сиёсийдиний бирлик мажмуида му=аддаслик хусусиятига эга б´лди. Моµиятан маънавий фаолият давлат монополияси µисобланиб, у билан г´ёки илоµий ёки фидоийлик мартабасига эга б´лган зодагонлар, коµинлар ва µукмдорнинг ´зи томонидан амалга оширилган. Шоµ ер ва осмон ´ртасидаги бош воситачи ёки Неб худосининг ´²ли б´лган, ёки худоларнинг ´зидан бош=аришга «мандат» олган. Бобил шоµи янги йил байрамида бош худо Мардук ибодатхонасига борган. Ибодатхонага киришда коµин шоµнинг барча нарсаларини олиб =´йиб (тожи, µассаси, шоµлик либосини), уни камситган ва урган, шундан с´нг оё= кийимсиз, оддий жулдур кийимда ибодатхонадан чи=ишга рухсат берган. Яъни, дастлаб шоµ оддий одамга айланиши, ибодатхонада эса уни худо Мардук яна кейинги йил учун µукмдор =илиб тайинлаган. Фа=ат, Миср фиръавини унинг отаси Худо АмонРага, Хитой императори «Небнинг ´²ли» Небга сажда =илиши билан бо²ли= асосий удумларни ´тказиш µу=у=ига эга б´лган.

Шоµнинг асосий мажбуриятлари фу=ароларга бо²ли= ишлар б´лган: мамлакатда тартиб ва осойишталик, моддий фаровонлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш. £адимги Мисрдаги «Гераклиопол шоµининг ´з ´²ли Мерикарга насихатлари» да айтилишича: «¥а==т ´рнат ва ерда узо= яшайсан. Шундай =илки, йи²лаётганни овут, бевага жабр =илма, инсонни отасининг молмулкидан бенасиб =илма». Яна µукмдор заминда тартибинтизом б´йича юксак миссияни бажариб, µомида бемад катта µажмдаги =урилишх´жалик фаолиятини амалга оширган. Улу² ва µаµайбат Миср пирамидалари, Буюк Хитой девори, Баолбек эµроми, Персепол саройи =урилишлари худолар олдидаги µукмдорларнинг «ижобий» хусусиятларидан далолат беради.

Диний а=идалар µукмронлиги кишилар µаётини белгилади. Инсон =аерда осмон б´лса худолар дунёси ва ерни одамлар дунёси деб билди. Улар доимо ´заро муносабатда, бир бутунликда олам да-

рахтининг танаси ва шохлари каби ви=ор билан яшаган. Худолар инсонлар µаётининг барча соµаларига фаол аралашган, унинг ту²илиши, ´лимини ва ´лимидан кейинги та=дирини белгилаган. ´ша даврларда диний таълимотдан таш=ари µеч =андай бош=а дунё=араш б´лмаган. Инсон худолардан µатто арзимас нарсалар µа=ида маслаµат с´раган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонага олиб берган. Мисол учун, =адимги Бобил аµолисининг мактубидан бирида шундай с´злар битилган: «Менинг отам, Худо айт! Сенинг =улинг АпилАдат шундай дейди: Нимага сен менга эътибор =илмайсан? Сендан бош=а ким µам бор? Сени севувчи худо Мардукка ёз: менинг гуноµимдан ´тсин».

Барча £адимги Шар= цивилизациялари табиийилмий билимларни т´плаб улкан натижаларга эришди ва жаµон фани ривожланишига улкан таъсир к´рсатди. Бизгача етиб келган Папирус ёзувлари мисрликларнинг математика ва геометрия (турли шаклнинг µажми ва юзасини ´лчаш), астрономия (ани= =уёш та=вимининг тузилиши кейинчалик Европада та=вимга асос б´лган), тиббиёт (анатомия тузилиши, мия ва =он томирлари µа=идаги таълимот, жарроµлик), кимё (турли моддаларнинг хусусиятини ´рганиш ва бу билимлардан майитни мумиёлашда фойдаланиш) соµаларидаги кенг тушунчалари µа=ида далолат беради. Атрофдаги мамлакатларга Месопотамия математикаси ва астрономияси катта таъсир к´рсатди. µозирга =адар биз Месопотамияда тузилган ва=т ва бурчак ´лчови учун 60б´лакли тизимдан фойдаланамиз. Месопотамияликлар математика ва астрономияга оид кашфиётлар =илиб, ой фазаларини б´лиш тизимини яратди, =уёш тизимига оид жараёнлар, юлдуз ва сайёрлар р´йхати, к´плаб µаракат µолатларини ани=лаш б´йича янгиликлар киритди. Икки дарё орали²и астрологиянинг µам ватанидир.

£адимги ¥инд ва Хитой фани µам к´плаб юту=ларни =´лга киритди. ¥индистонда нолдан фойдаланиб ´нлик сано= тизими яратилиши билан алгебра ривожлана бошлади («сон», «туб сон», «синус» каби атамалар µиндистонда пайдо б´лди). ´лим сабабини ани=лаш ма=адида мурда танасини анатомик тад=и = =илиш тажрибалари анатомия ва физологияни ривожлантириб, медицинада катта юту=ларга эришилди. µиндистонда тиббиёт тара==иёти µа=ида тиббиётга оид асарлардан бирида жарроµликнинг 300 тури б´лганлиги ва 120 та жарроµлик асбоби мавжудлиги эс-

